



ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a55

*Рихсибоеев Нозимбек Абдурасул ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси*

Аннотация. Мазкур мақолада темир йўл транспорт-логистика тизимининг иқтисодий фаолиятини ривожлантиришни белгилаб берувчи мақсади, вазифалари ва асосий ўйналишлари, темир йўл транспорт-логистика тизимининг самарали ривожланишига тўсик бўлаётган асосий муаммолар, транспорт-логистика тизимини ривожлантириш ўйналишлари ва транспорт-логистика тизими иқтисодий самараадорлигини оширишининг назарий асоси таклиф этилган.

Калим сўзлар: транспорт-логистика тизимининг ташкилий-иқтисодий асоси, логистика самараадорлик индекси, юкларни етказиб бериш, логистика инфратузилмаси, транспорт-логистика муаммолари, темир йўл транспорт инфратузилмаси.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТРАНСПОРТНО-ЛОГИСТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ

*Рихсибаев Нозимбек Абдурасул угли -
докторант Ташкентского государственного
экономического университета*

Аннотация. В данной статье предложена теоретические основы повышения экономической эффективности транспортно-логистической системы, цель, задачи и основные направления, определяющие развитие хозяйственной деятельности транспортно-логистической системы железнодорожного транспорта, основные проблемы, препятствующие эффективному развитию транспортно-логистической системы железнодорожного транспорта, направления развития транспортно-логистической системы.

Ключевые слова: организационно-экономические основы транспортно-логистической системы, показатель эффективности логистики, доставка грузов, логистическая инфраструктура, транспортно-логистические проблемы, инфраструктура железнодорожного транспорта.

THEORETICAL BASIS OF INCREASING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF THE TRANSPORT-LOGISTICS SYSTEM

*Rikhsiboyev Nozimbek Abdurasul ugli -
Doctoral student of Tashkent State
University of Economics*

Annotation. In this article, the purpose, tasks and main directions that determine the development of the economic activity of the railway transport-logistics system, the main problems that hinder the effective development of the railway transport-logistics system, directions for the development of the transport-logistics system and the theoretical basis for increasing the economic efficiency of the transport-logistics system are proposed.

Key words: organizational and economic basis of the transport-logistics system, logistics efficiency index, cargo delivery, logistics infrastructure, transport-logistics problems, railway transport infrastructure.

Кириш. Халқаро транспорт-иқтисодий алоқаларнинг барқарор ривожланиши, асосан, логистика фаолияти билан белгиланади. Дунёда транспорт маршрутлари узунлигини 50 млн. километрдан ортиқ даражада барқарорлаштириш қайд этилган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, жаҳон транспорт хизматларининг ЯИМ таркибидаги миқдори 4,3 трлн. АҚШ доллари (6,9 %)ни ташкил этиб, йилига 110 млрд. тонна юқ ва 1 трлн. дан ортиқ йўловчилар ташилмоқда, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этмоқда [1]. Мазкур соҳаларни ривожлантириш жаҳон транспорт ва логистика тизими (The global transport and logistic system) томонидан амалга оширилади. Темир йўл транспорти орқали юқ-

ларни етказиб бериш тизимида логистиканинг замонавий технологияларидан самарали фойдаланиш моддий захиралар ҳажмини 30 %дан 60 %гача тежаш, шунингдек, темир йўл хизматларидан фойдаланувчи саноат корхоналарининг транспорт-логистика сарф-харажатларининг тахминан 30-35 фоизга камайтирилишига эришиш имконини беради [1].

Жаҳонда транспорт-логистика тизими иқтисодий самараадорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, транспорт-логистика тизими иқтисодий ривожлантириш масалаларига тизимли ёндашув, транспорт-логистика тизимининг самарали ривожланишини таъминлайдиган иқтисодий ёндашувларни шаклланти-

риш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда транспорт-логистика тармоғи ривожланишинг ижобий таъсирлари келтириб ўтилган, шунга қарамай, ушбу таъсирларнинг йўналиши ва кўлами бўйича комплекс фикр шаклланмаган. Шундан келиб чиқсан ҳолда, темир йўл транспорт-логистика тизимининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча тадқиқотлар олиб бориш заруратини кўрсатади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам «транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш, транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 миллион тоннага етказиш» каби устувор вазифалар белгиланган [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур”, [3] деб таъкидлади. Бу, ўз навбатида, мамлакат транспорт-транзит салоҳияти ва замонавий етказиб бериш технологияларидан самарали фойдаланишни ҳамда транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришнинг мақсадга мувофиқлигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Транспорт-логистика тизимининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий асослари бир қатор маҳаллий ва хорижлик олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Иқтисодчи олим Р.Халтуриннинг фикрига кўра, логистика инфратузилмаси деганда, истеъмолчилар талабини тўлароқ қондириш мақсадида хомашё, яримфабрикатлар ва зарур ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлаб чиқарилган жойдан истеъмол жойига ташишнинг технологик ва самарали операцияларини режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш жараёни тушунилади [4].

Ю.Н.Гольская тадқиқотида транспорт-логистика тизими истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчилар, шунингдек, улар учун бошқарув тизимидан фойдаланувчилар, транспорт воситалари, иншоотлар ва бошқа мулкларнинг жамланмаси тушунилади [5].

И.А.Семина ва В.А.Кустов транспорт инфратузилмасининг худудий тизимлардаги қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатадилар.

Биринчидан, транспорт – худудий хусусиятлар индикатори ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий сифатининг асосий таркибий қисми. Иккинчидан, транспорт алоқалар тақсимловчи ва мувофиқлаштирувчи ҳисобланади, натижада операцион макон чекловчи, бошқача айтганда, “худудларни туташтирувчи”, яъни “транспорт хабни ҳосил қилувчи” каби вазифаларни келтириб ўтган [6].

А.Б.Максимов ўзининг илмий ишларида транспорт-логистика инфратузилмасини шакллантиришнинг қуйидаги асосий функцияларини кўрсатиб беради:

- мамлакат иқтисодиётини транспорт йўллари билан таъминлаш;
- иқтисодиёт субъектларининг транспорт-логистика объектларига бўлган эҳтиёжини қондириш;
- мамлакат транспорт тармоғини шакллантириш;
- турли транспорт турлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;
- мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини юксалтириш [7].

Мамлакатимиз олимларидан Ф.Самадов, А.Зохидов, А.Гуламов ва М.Равшановнинг фикрича, “транспорт тизими – юк ва йўловчиларни ўз манзилига етказиш жараёнида ўзаро алоҳаси бўлган транспорт турлари ва инфратузилмали мажмуаси, яъни ўзаро боғлиқ бўлган транспорт секторлари, меҳнат ресурслари ҳамда мамлакат иқтисодиётини самарави башқариш мақсадида транспортнинг барча турлари башқарув тизими тушунилади” [8].

Ж.Файзулаевнинг фикрича, транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад олишини транспорт билан таъминлаш жараёнида транспорт воситаларидан рационал фойдаланишга қаратилган функциялар ва ташкил этиш воситаларидан унумли фойдаланишdir [9].

Тадқиқот методологияси. Транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоларини таҳлил этиш билан шуғулланган миллий ва хорижлик олимларнинг илмий изланишлари натижалари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий базаси сифатида хизмат қилди. Мақолани тайёрлашда абстракт ва аналитик мушоҳада, қиёсий ва омилли таҳлил, индикатив, танланма кузатув, таққослаш, иқтисодий-статистик ва бошқа усуслардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Темир йўл транспорт тармоғи ривожланишини таъминлайдиган иқтисодий ислоҳотлар ва белгилаб берилган дастурлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий муҳитда рўй берәётган ўзгаришлар соҳани ривожлантириш усусларини тубдан ўзгартириб юборди. Шу

нуқтадан назардан транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлик ҳолатининг тизимли таҳлилини ўтказиш, самарадорлигини ошириш мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш ва тизимнинг ривожланиши ўйналишларини ишлаб чиқиши бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Транспорт-логистика тизимини иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда тизимли тадқиқ этиш лозим, деб ҳисоблаймиз [10].

Бугунги кунда логистика соҳасидаги истиқболли ва тез суръатларда ривожланаётган йўналиш транспорт логистикаси ҳисобланади. Мазкур тизимнинг асосий хусусияти шундаки, моддий оқимнинг ҳаракатланишини транспортташиб воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг жуғрофий жойлашган ўрни унинг транзит мамлакат сифатида фаолият юритишини аниқлаштириб беради. Ушбу омил миллий транспорт-логистика тизимини давлатнинг умумиқтисодий сиёсатида устувор йўналиш сифатида шакллантириш вазифасини назарда тутади ва бу, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувини таъминлаш имкониятини беради.

Бугунги кунда йирикроқ тизимнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлувчи транспорт масаласига янгича ёндашув, ташиш жараёнидаги барча жабхаларни: юкни юборувчидан юкни қабул қилувчигача, юкни қайта ишлаш,

қадоқлаш, сақлаш, жойлаштириш ва етказиб беришдаги ахборот оқимини қамраб олган ҳолда кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ, деб топмоқда. Бу эса транспорт-логистика инфратузилмасини яратиш ҳамда транспорт-логистика тизимининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиши тақозо этади. Ташишини амалга ошириш билан боғлиқ ва унга ҳамкорлик қилувчи транспорт турларини комплекс тадқиқ этишини кўзда тутган транспорт тизимидан фарқли равишида "логистика" атамасининг қўшилиши вақт ва харажатлар минимал даражага олиб келинишини таъминлади.

Халқаро даражада мамлакатнинг логистика самарадорлик индекси натижаларини белгилаб берадиган олтига индикатордан фойдаланган ҳолда логистика соҳасининг олти йўналишига баҳо берилади. Бунда 160 та давлатнинг логистика салоҳияти ўрганилиб, ҳар бир респондент логистика самарадорлигининг олтига асосий таркибий қисмлари бўйича саккизта хорижий бозорларини баҳолайди, транспорт тизимига баҳо беришда яна бир муҳим мезонлардан бири логистика кўрсаткичлари ҳисобланади. Логистика хизматининг самарадорлиги транспорт инфратузилмаси, савдони ва тижорат фаолиятини тартибга солиш, божхона процедурали ҳамда шунга ўхшаш бошқа текширувларни олиб бориш бўйича талаблар каби бир қатор жиҳатларнинг сифатига боғлиқ ҳисобланади, 1-жадвалда логистика тизими салоҳиятини баҳолаш мезонлари келтирилган.

1-жадвал

Логистика тизими салоҳиятини баҳолаш мезонлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирликлари
1.	Логистика хизматларининг йўлга қўйилганлиги (логистика марказлари, терминаллар)	ҳар 1000 км/та
2.	Инфратузилманинг мавжудлиги (ёқилғи қўйиш шахобчалари, автомобилга техник хизмат кўрсатиши устахоналари, мотеллар, овқатланниш масканлари ва ҳ.к.)	ҳар 1000 км/та
3.	Юк автомобилининг чегара пунктидан ўтиб кетиш вақти	соатда
4.	Экспорт операцияси учун кетадиган ўртacha вақт	кун
5.	Импорт операцияси учун кетадиган ўртacha вақт	кун
6.	Чегарани кесиб ўтиш билан боғлиқ харажатлар	АҚШ долларида
7.	Коридордан фойдаланганлик учун харажатлар	АҚШ долларида, ҳар 500 км га 20 тонна юк учун
8.	Коридор бўйлаб ҳаракатнинг ўртacha тезлиги	км/соат
9.	Юкни манзилга ўз вақтида етказиш	кечикиш, соатда
10.	Юкни кузатиб бориш ва назорат харажатлари	АҚШ долларида
11.	Мультимодал логистик марказлар фаолиятининг йўлга қўйилганлиги	Ҳар бир минтақа давлатларида камида 1 та

Манба: Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқарши механизмини тақкомиллаштириш. Иқт. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 2018.

Ўзбекистон логистика самарадорлик индексига назар ташланса, энг юқори натижалар айнан инфратузилма ва ўз вақтида етказиб бериш индикаторларида нисбатан ижобийлигини, аммо халқаро ташувлар, логистика рақобат ва кузатув индикаторлари 2007-2018 йиллар давомида беш баллик шкала бўйича сезиларли даражада пастлигини кўриш мумкин. Мазкур ин-

дикаторлар пастлиги мамлакатимизда мульти-модал логистика марказларининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлигидан, экспорт ва импорт операциялари учун кетадиган вақт, юкни кузатиб бориш ва назорат қилиб бориш каби кўрсаткичлар анча пастлиги сабабли 160 та давлат ичидаги Ўзбекистон мос равишида 99 ўринни эгаллаган (1-жадвал).


Ўзбекистон логистика самарадорлик индекси натижалари (LPI) (2007-2018)

Йиллар	ЛСИ рейтинги	Божхона	Инфра-тузилма	Халқаро ташувлар	Логистик рақобат	Кузатув ва рақобат	Ўз вақтида етказиш
2007	129	1.94	2.00	2.07	2.21	2.08	2.73
2010	68	2.20	2.54	2.79	2.50	2.96	3.72
2012	117	2.25	2.25	2.38	2.39	2.53	2.96
2014	129	1.80	2.01	2.23	2.37	2.87	3.08
2016	118	2.32	2.45	2.36	2.39	2.05	2.28
2018	99	2.10	2.57	2.42	2.59	2.71	3.09

Манба: Жаҳон банки маълумотлари.

Транспорт-логистика тизими намунавий кўринишга эга бўлиб, глобал тизимнинг исталган даражаси учун характерли ҳисбланади. Транспорт-логистика тизимининг ҳар бир минтақаси учун у фақат миқдор ва сифат тавсифлари, бошқача айтганда, уни ташкил этувчи элементларнинг ўлчамлилиги билан фарқланади. Транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш учун шунчаки йўлларни таъмирлаш ёки транспорт ва логистика инфра-тузилма модернизациясини амалга ошириш-

нинг ўзи кифоя қилмайди. Фундаментал чекловларни олдинма-кетин (изчил) ва келишилган ҳолда бартараф этиш бўйича комплекс қарор қабул қилиш талаб этилади. Бунда мазкур ишлар давлатнинг хукуқий ва услубий ёрдамида бажарилса ҳамда Ўзбекистоннинг барча минтақалари транспорт-логистика тизимидан манфаатдор иштирокчилари бирлаша олсалар, ҳар бир минтақада транспорт-логистика тизими ҳақиқатан ҳам самарали ишлай бошлайди.



2-расм. Транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий асоси

Манба: олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Функционал жиҳатдан ихтисослашган ёндашув асосида транспорт-логистика тизими самародорлигини оширишни таъминловчи назарий асоси келтирилди, унда транспорт-логистика тизими объектлари ва субъектлари, ривожланиш тамойиллари ажратилганлигини ҳисобга олиб, ушбу тизим мақсад ва вазифалари ҳамда давлат томонидан тартибга солиш ва қўл-лаб-кувватловчи йўналишлари келтирилган (2-расм).

Жаҳон транспорт бозорида замонавий логистика ёндашувлари асосида чуқур тизимли

тузилмавий ўзгартиришларни амалга ошириш зарурати юзага келмоқда. Бугунги кунда, маҳаллий ва хорижий тажрибаларга кўра, рақобатчиликдан аралаш қўшма ташувларга, шу билан бирга, интеграциялашган бошқариш марказига эга бўлган ягона транспорт тизимини ташкил этиш зарурати юзага келмоқда. Транспорт турларида юкларни етказиб бериш муддатлари 2-жадвалда келтирилган формулалар бўйича аниқланади.

3-жадвал

Транспорт турлари бўйича юкларни етказиб бериш ҳисоб-китоб формулалари

Транспорт турлари	Етказиб бериш вақти ҳисоб-китоб формулалари	
Темир йўл	$T_{\text{т}} = t_{\text{бр}} + \frac{L}{V_y^j} + t_{\text{куш}}^j; \quad T_{\text{м}} + L/\text{тиж}$	(1)
Кувур	$V_{\text{тиж}} = \frac{l}{\frac{l}{V_{\text{кун}}} + \frac{2\alpha D_r}{M} + t_{\text{куш}}^m}$	(2)
Ҳаво транспорти	$T_{\text{х}} = t_{\text{бр}} + \frac{l}{V_h^p} + t_{\text{куш}}^p$	(3)
Автомобиль	$T_a = t_{\text{бр}} + \frac{l}{V_{\text{эк}}}$	(4)

$t_{\text{бр}}$ – бошланғич-тугатиш операциялари учун кетадиган вақт, кун (к); l – ташиш масофаси, км; V_y^j, V_h^p – транспорт воситаларининг бир кунда босиб ўтадиган йўли меъёри, км; $t_{\text{куш}}^j, t_{\text{куш}}^m, t_{\text{куш}}^p$ – темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортларида қўшимча операцияларга кетадиган вақт, кун; $V_{\text{эк}}$ – эксплуатацион тезлик, км/с; $V_{\text{тиж}}$ – тижорат тезлиги, км/кун; $V_{\text{кун}}$ – ушбу коридорда фаолият кўрсатаётган транспорт воситаларининг эксплуатацион тезлиги, км/кун; α – юк кўтариш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти; D_r – вагонларнинг юк кўтариш қобилияти, темир йўллари; M – юкни жўнатиш ва қабул қилиб олиш портида қўшимча операцияларининг бир кунлик ўртача олинган меъёри, т/кун; t – юкларни жамлаш, сақлаш ва жўнатишга кетадиган вақт, кун.


Манба: олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тизимлаширилган.

Бугунги кунда транспорт-логистика хизматлари бозори таҳлили шуни қўрсатадики, асосий транспортировка қилиш 76 % улуш билан бозордаги асосий хизмат тури бўлиб келмоқда. Кўрсатиладиган бошқа хизмат турлари қаторида экспедиторлик хизматлари (кузатиб бориш) 4,5 %ни, омбор хизматлари 2,8 %ни, интеграциялашган логистика 3PL/4PL хизматлари 1,8 %ни ташкил этмоқда [11].

Бугунги кунда мамлакатимизда аутсорсинг логистика хизмат бозори ривожланиши суст даражада кечмоқда, бунинг асосий сабаблари мижоз-корхоналар логистика занжирларининг мураккаблашуви ва мураккаб логистика хизматларига бўлган талабнинг қондирилмаётганлиги, мамлакатимизда сифатли, шу жумладан, йирик провайдерлар, яъни 3PL ва 4PL даражадаги логистика хизматларининг ривожланмаётганлиги кабилар ҳисобланади. Яна бир нуқсонли жиҳати, мамлакатимизда логистика харажатлари умуний тузилмасидаги аутсорсинг улуси тахминан 12-15 %ни ташкил қилиб, шу билан бирга, логистика бозори ривожланган

мамлакатлар учун бу кўрсаткич 40-45 %га тенг. Транспорт-логистика тизими фаолияти билан боғлиқ муаммолар қуйидаги расмда тизимлаширилган [12].

Бугунги логистика тизимида ортиқча бўғинларнинг мавжудлиги саноат маҳсулоти таннархига салбий таъсир кўрсатиб, бунга, асосан, логистик занжирининг тарқоқлиги – етказувчидан қабул қилувчига қадар маҳсулотларни ортиқча даражада ортиш ва тушириш бўғинлари мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи томонидан транспорт-логистика хизматига жаҳон андозаларига хилоф равишда кўпроқ харажат қилишига олиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, транспорт-логистика тизими ҳамда тегишли инфраструктурунинг ривожланиш даражаси жаҳон стандартларидан ортда. Бугун юртимизда фаолият юритаётган транспорт-логистика операцияларининг асосий қисми 1PL ҳамда 2PL форматда, холос. 3PL форматда фаолият кўрсатаётган компаниялар етарли эмас [13].



3-расм. Транспорт-логистика тизими ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар

Манба: олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тизимлаширилган.

Бугунги кун транспортнинг барча турларини (автомобиль, темир йўл, авиация, денгиз) қамраб олувчи йирик логистика операторлари га эга корхоналар фаолиятини ташкил этишини тақозо қилмоқда, яъни транспорт турлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўювчи йирик операторлар етишмаяпти. Ушбу ҳолат юк ташиши жараёни билан боғлик муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, юқоридаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қўйидаги асосий концептуал йўналишлар белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Транспорт-логистика хизматлари нархларининг ошиш суръатларини пасайтириш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- тарифларни белгилаш принципларини ўзgartириш ва босқичма-босқич янги тариф тизимига ўтиш, тузатиш коэффициентлари сонини камайтириш, темир йўл орқали ташишни ҳар

томондан маблаг билан таъминлаш турларини камайтириш;

- ўз локомотив ва вагонларига эга бўлган темир йўл транспортида юк ташишга мўлжалланган хусусий компаниялар ташкил этилиши учун шарт-шароитлар яратиш орқали темир йўлда юк ташиш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш;

- транспорт ва логистика тизимининг тезкорлиги ва ишончлилигини ошириш, 2030 йилгача электр энергияси билан таъминланган темир йўллар улушкини 55 фоизга етказиш. Бунинг учун ҳар йили ўртacha 168 км темир йўлни электр энергия билан таъминлаш зарур, сармоялар ҳажми эса 5,34 млрд. долларни ташкил этиши керак. 2030 йилгача локомотив ва вагонларни янгилаш учун 1,2 млрд. долларлик сармоя сарфлаш зарур;

- контейнерларда ташилган юкларнинг транспортга сарфланадиган тўловларини 10 фоизга камайтириш учун контейнерда ташишни 25-30 фоизга ошириш зарур.

2. Куйидагилар орқали транспорт-логистика тизимининг бошқариш самарадорлигини ошириш учун минтақаларда мультимодал транспорт-логистика марказлари тармоғини кенгайтириш:

— юк ташиш, интермодал ва мультимодал юк ташишларнинг норматив ҳамда ҳуқуқий бағаси, техник ва технологик регламенти ҳамда стандартлари, логистика марказлари, транспорт-экспедиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мос ҳолда уйғуллаштириш;

— мультимодал ташишлар самарали бўлишини таъминлаш учун интеграциялашган ахборот тизимини ташкил этиш;

— божхона логистика марказларининг миллий тармоғини шакллантириш, уларда транспорт-логистика операциялари камидан 3PL даражада бўлишини таъминлаш лозим.

Шундай қилиб, интеграциялашган транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш бутун ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар тежамини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви, юкларни етказиб бериш харажатларининг камайиши ва иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига олиб келади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://data.worldbank.org/indicator/is.air.good.mt.k1>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони. // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
4. Халтурин Р. Развитие транспортной инфраструктуры: проблемы и возможности. / Р.Халтурин. // Вестник Института экономики Российской академии наук. № 6. 2012. С. 21-26.
5. Задворный Ю.В. Формирование интегрированной транспортной инфраструктуры в регионе. / Ю.В.Задворный. // дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – М., 2005. С. 152.
6. Venables A.J. Evaluating Urban Transport Improvements: Cost-Benefit Analysis in the Presence of Agglomeration and Income Taxation. Journal of Transport Economics and Policy, 41:173-188 p.
7. Fayzullayev J.S. Improvement of Economic Efficiency of Development of Railway. // Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR). ISSN: 2249-0892. Vol9 Issue-2, Dec -2019. http://www.ajtmr.com/papers/Vol9Issue2/Vol9Iss2_P9.pdf
8. Fayzullayev J.S. Economic-mathematical model of evaluating the efficiency of the transport system. // Economics and Innovative Technologies: Vol. 2021: No. 1, Article 1. <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2021/iss1/1>
9. Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмини тақкомиллаштириш. Иқт. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 2018.
10. Frederick Starr S, Filat Yildiz, Martina reiser etc. The New Silk roads: Transport and trade in Greater Central Asia. Monograph Central AsiaCaucasus institute & Silk Road Studies Programm, Washington, D.C.: Johns Hopkins University-SAIS, 2019. – 514 p.
11. Fayzullayev J. Effectiveness of modern methods in the development of the integration transport systems. Архив научных исследований, 2020, 1 (3). <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3892>
12. Fayzullayev J.S. Theoretical Aspects of the Transport Logistics System Management. // Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR). ISSN: 2249-0892. Special Issue-2, Sep, 2019. http://ajtmr.com/papers/SplIss2/SplIss2_8.pdf
13. Fayzullayev J.S. Problems And Status Of Efficiency Of The Transport And Logistics System In The Railway Network, Archive of Conferences: Vol. 13 No. 1 (2021): GTIMSC-2021. <https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/573>
14. Рахимов Х.Ш. Мамлакат транспорт инфраструктуруни ошириш. Иқт. фан. фал. ... дис. автореф. – Т., 2021.
15. Файзуллаев Ж.С. Темир ўйлар тармоғини иқтисодий ривожлантириш йўналишлари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2022 йил, 4-сон. https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a42